
#Ислоҳотлар_амалда Ташаббусли бюджет: “Ирғоли” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ички кўчаларни асфальтлаш ишлари якунланди

Бағдод туманида 2024 йилнинг 1 мавсумида 15 та лойиҳа ғолиб бўлган эди. Шундан тумандаги “Ирғоли” МФЙдаги “Ғалаба дашт” қишлоғи ҳам шу ғолиб лойиҳалар қаторига кирган. Бугунга кунга келиб ушбу қишлоқ аҳолисини 30 йилдан буён ушалмаган орзуси амалга ошди. Қишлоқда 2 555 метр кўчалар асфальтлаштирилди. Эндиликда аҳоли, айниқса ёшлар лой кўчаларда эмас балки бугунги кунни шарофати билан асфальтлаштирилган замонавий кўчаларда ўз манзилларига боришади. Маҳалла ёшларининг ҳам мактаб ва боғчаларга бориб келишида раво асфальт йўллاردан юришлари кўп йиллик орзу эди. Бугун орзулари рўёбини кўришмоқда. Лойиҳа доирасида белгиланган бунёдкорлик ишлари маҳаллаларда давом этмоқда.

2024-08-01 19:17:51